

## хақ эвазига хизмат кўрсатиш ҳақида

Қарши шахри

№ 89/088 от 31.01.2022

« 10 » январь 2022 йил

«Шуртан газ-кимё мажмуаси» номидан, кейинги уринларда «Буюртмачи» деб аталувчи номидан корхона низоми асосида иш олиб борувчи корхона бошлиғи Асланов Ш.Ч. бир тарафдан ва Қашқадарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази, кейинги уринларда «Ижрочи» деб аталувчи номидан марказ низоми асосида иш олиб борувчи марказ бош врачлари Т.Б.Расулов иккинчи тарафдан қўйидагилар туғрисида ушбу шартномани туздилар.

## 1. Шартнома предмети.

1.1. «Ижрочи» 2021 йилда «Буюртмачи»нинг топшириқларига мувофиқ корхона ишчи ва хизматчиларини даволаши билан боғлиқ бўлган хизматларни бажаради, «Буюртмачи» эса бу хизматларни қабул қилиб олади ва уларга ҳақ тўлаш мажбуриятини бажаради.

## 2. Шартноманинг баҳоси ва бажарилиш муддатлари:

2.1. «Буюртмачи» ҳар бир даволанган бемор учун касаллик тарихида кўрсатилган сўммани тулаб беради.

2.2. Шартнома имзоланган кундан бошлаб қонуний кучга киради ва 2022 йил 31 декабр кунига қадар амалда булади.

Шартноманинг тахминий сўммаси  
600,000,000 (olti юз миллион) сўм

## 3. Хисоб-китоб қилиш тартиби

3.1. «Буюртмачи» ушбу шартнома имзоланганидан бошлаб 20 банк куни давомида «Ижрочи»га шартнома суммасининг 100% миқдоридан туловни пул кучириш йули билан амалга оширилишини уз зиммасига олади.

## 4. Тарафларнинг мажбуриятлари.

4.1. «Буюртмачи» қўйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

- а) хизмат кўрсатиш учун ажратилган ходимлардан мақсадли равишда фойдаланиш;
- б) шартноманинг 3.1. бандида кузда тутилган туловларни уз вақтида амалга ошириш.

4.2. «Буюртмачи» қўйидаги ҳуқуқларга эга:

а) Ижрочининг фаолиятига халакит бермасдан, кўрсатилаётган хизматни боришини ва сифатини ҳоҳлаган вақтида текшириб кўриш;

б) ушбу шартномани ҳоҳлаган вақтида бекор қилиш, лекин бу ҳақда «Ижрочи»ни 10 кун олдин ёзма равишда хабардор қилиш ва шартномани бекор қилиш ҳақидаги хабарнома «Бажарувчи»га берилганига қадар «бажарувчи»га кўрсатилган хизмат ҳақини тулаб бериш.

4.3. «Ижрочи» қўйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

- а) наъмунали хизмат кўрсатиш;
- б) шартноманинг 1.1. бандида кўрсатилган хизматни мутахассислар орқали тулиқ бажариш;
- в) хизмат кўрсатиш вақтида йул қўйилган камчиликларни «Буюртмачи» талаб қилганидан бошлаб дарҳол ўз хисобидан бартараф қилиш.

г) марказда даволангандан сўнг беморларга белгиланган муддатларда зарурий тиббий хужжатларни тақдим этиш.

## 5. Томонларнинг жавобгарлиги:

5.1. Шартномани бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 август кундаги «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси туғрисида»ги қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатлари ҳамда ушбу шартнома билан белгиланади.

5.2. Шартнома мажбуриятларини тўлиқ бажармаган томон иккинчи томонга кечиктирилган ҳар бир кун 0,1 фоиз миқдорда пеня тулайди, бироқ бунда пеня мажбурият бажарилмаган қисмининг 5,0% (беш) фоизидан ошиб кетмаслиги шарт.

5.3. Неустойка (жарима, пеня) тулангалигидан қатъий назар, шартнома мажбуриятларини бузган тараф иккинчи тарафга ана шу зарар оқибатида ўзи етказган зарар қисмини ҳам қоплайди.

## 6. Бартараф қилиб булмайдиган кучларнинг таъсири.

6.1. Бартараф қилиб булмайдиган ҳолатлар (суб тошқини, зилзила, ёнғин ва бошқалар, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, ҳукумат қарорлари ва ҳаказолар) рўй берган ҳолларда тарафлар мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганликлари учун жавобгарликдан озод қилинади. Бундай ҳолларда шартномани имзолаган тараф иккинчи тарафни бу ҳақда 3 (уч) кун муддат ичида ёзма тартибда хабардор қилиши керак.

## 7. Низоларни ҳал қилиш тартиби.

7.1. Тарафлар ўртасида ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ пайдо бўладиган барча низолар ёки келишмовчиликлар тарафлар ўртасида музокара йули билан ҳал қилинади.

7.2. Агар келишмовчиликларни музокара йули билан ҳал қилиб бўлмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хужалик судида куўилишига тегишли бўлади.

## 8. Кушимча шартлар

8.1. Ушбу шартнома киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қушимчалар ёзма равишда расмийлаштирилган ва ваколатли шахслар томонидан имзоланганидан сунг ҳақиқий деб ҳисобланади. Шартномага иловалар унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

8.2. Ушбу шартнома 2 (икки) нусхада тузилди.

## 9. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари

Буюртмачи: «Ш.П.К.М.» М.И.И. Қашқадарё вил.ти. Буюрт. тўловчи Ширт. 19.09.21

Х/р Қарим шаҳар бўлими Банк номи Ўз.Рес. Ғиё. Молия банк МФО 00150

ИНН 203195074 ОКЭД 35210

Телефон: \_\_\_\_\_

**Бажарувчи:** 180104, Ўзбекистон Республикаси, Қарши шаҳар, И.Каримов кучаси, 413 уй,

Қашқадарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази, тел., факс: 0 375 226-03-04

Ўзб. Рес. Молия Вазирлиги газначилиги Марказий банк Тошкент шаҳри Х/р: 23402000300100001010

ИНН 201122919 МФО 00014 Шахсий х/р: 4014 2186 0104 0170 7310 1054 001

ИНН 202446008 ОКЭД 86100 ОКПО 02022046



Астафьев Ш.Ч.



«ИЖРОЧИ»

Т.Б.Расулов

(имзо)

Хуқуқшунос маслаҳати:

*Handwritten signatures and initials.*

